



THEORETICAL AND LEGAL FOUNDATIONS OF THE GENERAL CONDITIONS FOR THE IMPLEMENTATION OF EXECUTIVE ACTIONS

Anvar Zokhirov

Master's student

*Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Enforcement law, enforcement actions, legal foundations, enforcement authorities, court decisions, legal guarantees, enforcement process.

Received: 14.03.25

Accepted: 16.03.25

Published: 18.03.25

Abstract: This paper analyzes the theoretical and legal foundations of the execution of enforcement actions. Enforcement law encompasses the fundamental principles, mechanisms, and norms involved in the process of executing court decisions and other enforcement documents. The article discusses the activities of enforcement authorities, legal relationships in the enforcement process, and the legal guarantees for enforcement. It also addresses the necessary conditions for the effective implementation of enforcement actions and provides suggestions for their improvement.

ИЖРО ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УМУМИЙ ШАРТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Анвар Зоҳиров

Магистратура талабаси

*Ўзбекистон Республикаси хуқуқни муҳофаза қилиши академияси
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Кадит сўзлар: Ижро ҳуқуқи, ижро ҳаракатлари, ҳуқуқий асослар, ижро органлари, суд қарорлари, ҳуқуқий кафолатлар, ижро жараёни.

Аннотация: Ушбу мақолада ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг назарий-хуқуқий асослари таҳлил қилинган. Ижро ҳуқуқи, суд қарорларини ва бошқа ижро ҳужжатларини амалга ошириш жараёнидаги асосий принциплар, механизмлар ва нормаларни қамраб олади. Мақолада ижро органлари фаолияти, ижро жараёнидаги ҳуқуқий муносабатлар, ҳамда ижрони амалга оширишдаги ҳуқуқий

кафолатлар мухокама қилинган. Ижро харакатларининг самарали амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар, шунингдек, уларни ривожлантириш бўйича таклифлар ҳам киритилган.

ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ОБЩИХ УСЛОВИЙ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ИСПОЛНИТЕЛЬНЫХ ДЕЙСТВИЙ

Анвар Зохиров

студент магистратуры

*Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Исполнительное право, исполнительные действия, правовые основы, исполнительные органы, судебные решения, правовые гарантии, процесс исполнения.

Аннотация: В данной статье анализируются теоретические и правовые основы осуществления исполнительных действий. Исполнительное право охватывает основные принципы, механизмы и нормы, связанные с процессом исполнения судебных решений и других исполнительных документов. В статье рассматриваются деятельность исполнительных органов, правовые отношения в процессе исполнения и правовые гарантии исполнения. Также обсуждаются необходимые условия для эффективного осуществления исполнительных действий и предлагаются рекомендации по их совершенствованию.

Ижро харакатларини амалга оширишнинг назарий-хукуқий асослари ушбу фаолият соҳасини тартибга солувчи меъёрий хукуқий-хужжатларни таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Суд хужжатлари ва бошқа органларнинг хужжатлари бўйича ижро этиш харакатларини амалга ошириш, хукукни кўллаш жараёнининг муҳим таркибий қисмларидан биридир.

Бу жараён қонунийлик, адолат ва фуқароларнинг хукуқларини таъминлаш тамойилларини амалга оширишга қаратилган бўлиб, шу сабабли у хукуқий тизимнинг муҳим элементи ҳисобланади.

Ижро иши юритуви тўғрисидаги конунчилик тизими, деганда ўзида ижро иши юритуви тўғрисидаги меъёрларни мужассам этган норматив-хукуқий актлар мажмуасини тушуниш керак.

Профессор Ш.Шорахметов “Одил судловни амалга ошириш мақсадида фуқаролар ва ташкилотларнинг хукуқларини қўриқлаш мақсадида чиқарилган қарорларнинг ижроси фуқаролик процессининг якунловчи босқичи” эканини таъкидлайди.

Ижро этиш ҳаракатлари ҳуқуқни қўллашнинг якунловчи босқичи ҳисобланиб, унда судлар ва бошқа ваколатли органлар томонидан қабул қилинган қарорлар амалда бажарилиши таъминланади.

Олим С.Б.Холбаев ҳозир суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларининг ижроси республикамизда амалга оширилаётган кучли ҳуқуқий сиёsat натижасида шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг самарадорлигини акс эттирувчи алоҳида ҳуқуқий институт сифатида шакиллана олганлигини қайд этади.

Олим Ю.М.Ходжиевнинг фикрича, суд қарорларини ижро этиш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар муайян ўзига хос хусусиятларга эга бўлсада, улар фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларидан сезиларли даражада фарқ қиласлиги сабабли ижро иши юритишда юзага келувчи муносабатлар ҳуқуқий тартибга солишининг мустақил предметини ташкил этмайди, шу сабабли улар ижро ҳуқуқининг мустақил тармоғи пайдо бўлганлигини асослай олмайди. Суд қарорларини ижро этиш – фуқаролик процессининг якуний босқичи бўлиб, унда судлар томонидан чиқарилган ундирув тўғрисидаги қарорлар мажбурий ижро этилади .

Агар суд қарорларини ижро этиш механизми самарали бўлмаса, фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳимоя қилинмайди ва ҳуқуқий таъминотлар амалда бўлмайди.

Шу сабабли, ижро этиш жараёнини ҳуқукий назария ва амалиёт ўртасидаги боғланиш элементи сифатида кўриш мумкин, бунда ҳуқуқ нормалари ҳақиқий ҳаракатларга ва натижаларга айлантирилади.

Миллий олим М.Ўразалиевнинг фикрига кўра, ижро иши юритиш деганда, қонунда белгиланган тартибда ижро хужжатида кўрсатилган қарздорга нисбатан ундирувчининг талабини давлат ижрочиси томонидан амалга оширишга қаратилган фаолиятни тушуниш мумкин.

Ижро иши юритишнинг қонунчилиги асоси конституциявий нормаларда ўз аксини топган бўлиб, давлат ва суд томонидан фуқаролар ва инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини кафолатлади.

Олим У.Тухташеванинг таъкидлашича, ижро иши юритишнинг моҳияти қонунда назарда тутилган тартибда қарздорга нисбатан ундирувчининг қонуний талабларини қондиришга қаратилган мажбуров чораларини (мажбурий ижро) қўллашдан иборатdir.

Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш жараёнида қонунийлик ва адолатни таъминлаш учун барча ижро ҳаракатлари белгиланган меъёрлар ва тамойилларга мос бўлиши керак.

Ушбу жараёнда иштирок этувчи томонларнинг хуқуқларини, жумладан, ундирувчининг ҳам, қарздорнинг ҳам хуқуқларини хурмат қилишни ўз ичига олади.

О.В.Исаенкованинг қайд этишича, ижро иши хуқуки хуқуқнинг алоҳида тармоғи сифатида изохланиб, ўз тарихий келиб чикишининг барча аломатларига (хуқуқий бошқарувнинг ўз предмети ва методи, норматив базаси, принциплари, маҳсус субъектлари доираси, жавобгарликнинг ўзига ҳослиги) эга эканини ва ушбу аломатлар хусусиятларига кўра рус хуқуқшунослигининг бошқа тармоқларидан ажралиб туришини тан олиш лозим.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижросини таъминлаш ҳамда давлат ижроҷилари фаолиятини тартибда солишда бир қатор норматив-хуқуқий ҳужжатлардан фойдала-нилмокда.

Булар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят кодекси, Жиноий-ижроия кодекси, Иқтисодий ва Фуқаролик процессуал кодекслар, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ти ва “Прокуратура тўғрисида”ти қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.05.2017 йилдаги ПФ-5059-сонли, 24.11.2020 йилдаги ПФ-6118-сонли, 03.01.2024 йилдаги ПФ-1-сонли, 31.08.2006 йилдаги ПҚ-458-сонли, 01.11.2007 йилдаги ПҚ-722-сонли, 30.05.2017 йилдаги ПҚ-3016-сонли, 15.06.2017 йилдаги ПҚ-3060-сонли, 20.06.2017 йилдаги ПҚ-3070-сонли, 27.07.2017 йилдаги ПҚ-3149-сонли, 13.03.2018 йилдаги ПҚ-3597-сонли ва 12.03.2019 йилдаги ПҚ-4236-сонли қарор ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 14.04.2009 йилдаги 110-сонли, 15.07.2009 йилдаги 200-сонли, 06.10.2018 йилдаги 808-сонли 11.09.2017 йилдаги 707-сонли, 03.08.2022 йилдаги 427-сонли қарорлари, Бош прокурор ва Бюро директорининг буйруқлари ҳамда бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларни ташкил қиласди.

Норматив-хуқуқий базада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси алоҳида ўрин тутади, чунки у фуқароларнинг асосий хуқуқ ва эркинликларини ҳамда давлат органларининг фаолиятини тартибга солувчи принципларни белгилайди. Ижро этиш жараёни ушбу конституциявий нормаларга мос келиши керак, бу эса унинг мамлакат хуқуқий тизимидағи аҳамиятини таъкидлайди.

Ёш олимлардан бўлган А.Хамидов ўзининг илмий ишида ижро иши юритиш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш учун илғор хорижий тажрибани чукур ўрганган ҳамда Мажбурий ижро глобал кодекси нормаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Ижро ишини юритиш тўғрисидаги кодексини қабул қилиш масақдга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Г.Бурханова ҳам илмий ишида ижро иши юритиш алоҳида хуқуқ соҳаси сифатида шаклланашётганлиги ҳамда хорижий давлатлар (Швеция, Эстония ва Молдова) тажрибасини

ўрганиш натижасида Ижро иши юритиш тўғрисидаги кодексини ишлаб чиқиши зарурати мавжудлигини таъкидлаган.

Ҳақиқатдан ҳам, ушбу олимлар бугунги кундаги долзарб масалани ёритиб ўтган бўлиб, бугунги кунда ижро иши юритишни тартибга солувчи ягона норматив – ҳукукий хужжатлар ишлаб чиқилмагани давлат ижроилиарининг фаолиятини тартибга солиш ва ижро иши юритишда бир қатор муаммоларни келтириб чиқармокда.

Шундан бўлсада, бугунги кунда “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун ижро иши юритиш ҳамда ижро ҳаракатларини амалга оширишни тартибга солувчи асосий хужжат ҳисобланади ҳамда бу борадаги муносабатларни тартибга солади.

Ижро этиш ҳаракатларини амалга оширишнинг умумий шартлари деб, суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатлари ижро учун келиб тушганидан то тамомлангунига қадар бўлган жараёнларни тартибга солувчи нормалар йигиндисини тушуниш мумкин.

Ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг умумий шартлари “Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-боби 23 – 43-моддаларида ўз аксини топган.

“Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунига кўра,

- ижро иши юритишни қўзғатиши;
- ижро хужжатига нисбатан қўйиладиган талабларни бузиш оқибатлари;
- ижро ҳаракатларини амалга ошириш жойи;
- йиғма ижро иши юритиш;
- ижро ҳаракатлари амалга ошириладиган вақт;
- ижро хужжатларини ижрога топшириш муддатлари;
- ижро хужжатини ижрога топшириш муддатининг узилиши;
- ижро хужжатини ижрога топшириш муддатини ўтказиб юбориш оқибатлари;
- мажбурий ижро этиш муддатлари;
- ижро этилиши лозим бўлган суд хужжати ёки бошқа орган хужжатини тушунтириш;
- суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларининг ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш, уларни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш;
- жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш;
- ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш;
- ижро иши юритишни тўхтатиб туришнинг мажбурийлиги;
- ижро иши юритишни тўхтатиб туриш;

- ижро иши юритишни тўхтатиб туриш муддатлари;
- ижро иши юритишни тугатиш асослари;
- ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш тўғрисидаги масалаларнинг суд ёки давлат ижрочиси томонидан кўриб чиқилиши;
- ижро иши юритишни тугатиш оқибатлари;
- ижро иши юритиш қўзғатилганидан кейин ижро хужжатларини қайтариш;
- ижро иши юритишни тамомлаш;
- қарздорни, унинг мол-мулкини ёки болани қидириш;
- қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш;
- йўқолган ижро иши юритилишини тиклаш суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этишнинг умумий шартлари ҳисобланади.

Умумий шартларнинг аҳамияти шундаки, суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини белгиланган муддатларда, тўғри ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилда “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони қабул қилинган бўлиб, суд ва бошқа органлар хужжатларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб ўтилган (18-мақсад).

Замонавий ижро этиш тизими ўз мақсадларига эришиш учун бир қатор институтлар ва процедураларни ўз ичига олади. Улардан бири хуқукий тартибга солиш, ташкилот тузилмалари, назорат ва кузатув механизmlари, шунингдек, давлат ижрочиларининг ҳаракатларини шаффоф ва ҳисобдор қилишни таъминлайдиган воситалардир.

Масалан, ахборот технологияларини жорий этиш нафақат ижро этиш жараёнини тезлаштириш, балки ундаги тарафлар учун янада қулай ва тушунарли қилиш имконини беради.

Шунингдек, халқаро стандартлар ва тавсиялар роли ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак, чунки улар миллий ижро этиш тизимларининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Глобализация ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш доирасида кўплаб давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси, ижро этиш жараёнининг самарадорлиги ва шаффофлигини оширишга қаратилган илғор тажрибаларни фаол равища ўзлаштирунган.

Электрон тизимларни жорий этиш, шунингдек, процедураларнинг бирлаштирилиши билан боғлиқ бўлиб, бу қарорларни трансчегаравий ижро этиш жараёнида мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни осонлаштиради.

Долзарб муаммолардан бири бўлган фуқароларнинг ижро этиш жараёни доирасида ўз хукуқ ва мажбуриятлари тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмаслигидир.

Бу тизимга нисбатан ишончсизликка олиб келади ва унинг самарали ишлашига тўйскинлик қиласди. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун хукукий таълимни фаоллаштириш ва ахборотга кириш имкониятларини кенгайтириш зарур.

Шундай қилиб, ижро этиш ҳаракатларини амалга оширишнинг умумий шартлари хукукий асослари кўплаб жиҳатларни ўз ичига олган комплекс ҳодисадир.

Уларнинг батафсил ўрганилиши нафақат жараёнларни назарий тушунишини яхшилашга, балки ижро этиш жараёнида иштирок этувчи шахсларнинг хукуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган самарали амалий механизmlарни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, агар Ўзбекистон имзолаган халқаро битимда мамлакатнинг ижро қонунчилигидагидан фарқли қоидалар мавжуд бўлса, у ҳолда халқаро шартноманинг қоидалари устувор ҳисобланади ва кўлланилади. Яъни, миллий қонунчилик ва халқаро шартнома ўртасида зиддият юзага келган тақдирда, халқаро хукуқ нормаларига амал қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида суд хужжатлари ва бошқа органларнинг хужжатларини ижро этиш тартиби белгиланган бўлса-да, агар Ўзбекистон иштирок этаётган халқаро шартномада бошқача қоидалар кўрсатилган бўлса, айнан шу халқаро шартноманинг қоидалари кўлланилади.

Ижро масалаларига оид миллий қонунчилик халқаро шартномалар билан зид келган ҳолларда, халқаро хукуқ нормалари устунлик қиласди ва ижро жараёнида қўлланилади.

Қонунчиликда ижро тартиби белгиланган бўлишига қарамай, агар Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро шартномада бошқа қоидалар мавжуд бўлса, халқаро шартноманинг қоидалари амал қиласди.

Бу қоиданинг мазмуни шундан иборатки, халқаро хукуқ нормалари миллий қонунчилиқдан устун туради. Бу халқаро хукуқнинг умумэътироф этилган принципи бўлиб, давлатларнинг халқаро мажбуриятларини бажаришини таъминлашга қаратилган. Бу қоида "Lex specialis derogat legi generali" (махсус қонун умумий қонунни бекор қиласди) принципининг бир кўриниши ҳисобланади, бу ҳолда халқаро шартнома маҳсус қонун, миллий қонунчилик эса умумий қонун сифатида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Курбонов Д.Р. Ижро иши юритуви. Услубий кўлланма. -Самарканд: СамДУ нашри, 2007, Б.14

2. Батафсилоқ қаранг: Ш.Ш.Шорахметов. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал ҳукуки. – Тошкент: Адолат., 2001. 396-б.;Ш.Ш.Шорахметов Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шархлар. Т.:ТДЮИ, нашриёти, 2010. Б.922

3. С.Б.Холбаев Ўзбекистонда суд қарорларини ижроси бидан боғлиқ қонунчиликни янада такомиллаштиришга оид айрим масалалар //Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устовор йўналишлари (Мақолалар тўплами)/ Масъул мухаррир Е.В.Коленко Т.:2020 Б.94.

4. Ходжиев Ю.М. Суд қарорларини мажбурий ижро этиш шартлари ва тартиби. Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферат. – Тошкент, “Akadem-Xizmat”. 2008, 7-8 б

5. М.Ўразалиев. Суд ижро чилар фаолиятининг ислоҳ этилиши хақида. Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2010 й.

6. У.Тухташева. Ижро иши юритиш. Дарслик – Т. ТДЮИ 2009

7. Исаенкова О.В. Проблемы исполнительного права в гражданской юрисдикции: авто-реф. Дис. ... д-ра юрид. наук. Саратов, 2003. С. 10.

8. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.01.2024 й., 06/24/1/0001-сон

9. А.Хамидов Суд қарорлари ижросини таъминлашнинг ташкилий-хукукий асосларини янада такомиллаштириш масалалари 12.00.07. – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Хукуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.

10. Г.Бурханова Мажбурий ижро тизими бошқарув фаолиятини хукукий таъминлаш масалалари: қиёсий-хукукий таҳлил. 12.00.07. – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Хукуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

11. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.10.2024 й., 03/24/974/0804-сон

12. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.12.2024 й., 06/24/227/1089-сон